

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ–АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(Самарқанд шаҳри, 2014-йил 6-7 июнь)

I

САМАРҚАНД – 2014

Ражабова М. Б., Амонова З. Қ. АРАБИЙ ҲИКМАТЛАРНИНГ НАВОИЙ ШЕЪРИЯТДАГИ БАДИИЙ ТАЛКИНИ	146
Саидова Н. М. ЕВРОПЕЙСКИЕ МОТИВЫ В РОМАНАХ ЮСУФА МУХАММАЙДИ	149
Ходжаева Т. А. К ПРОБЛЕМЕ ВЛИЯНИЯ В УЗБЕКСКО-ИНДИЙСКИХ ЛИТЕРАТУРНЫХ СВЯЗЯХ	151
Зоирова А., Нуриев А. МОПАССАН ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕК НАСРИГА ТАЪСИРИ	153
Азимова Н.Ш. НАЧАЛО НОВОЙ НЕМЕЦКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ (1990-Е ГОДЫ)	156
Акбарова М. АРАБСКАЯ ЛИТЕРАТУРА В КОНТЕКСТЕ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	158
Байматов М.А. ЗНАЧЕНИЕ НУМЕРОЛОГИИ В СРЕДНЕВЕКОВЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ КОРЕИ	160
Джалилов Ж.М., Хасанов Л.Х. XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ	161
Зокирова З. Т. ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ С АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА НА РУССКИЙ В НЕЯЗЫКОВЫХ ВУЗАХ	163
Комилова Ш. Т. ЗАМОНАВИЙ ХИТОЙ ДРАМАТУРГИЯСИ РИВОЖИДА ТАРЖИМА АДАБИЁТИНИНГ ЎРНИ (XX АСР 80-ЙИЛЛАРИ ДРАМАТУРГИЯСИ МИСОЛИДА)	164
Қаюмов Ш. ТУРКЛАРНИНГ ЧОСЕРИ	167
Қурбонов П. А. Ж.Г. БАЙРОННИНГ “МАНФРЕД” ПОЭМАСИ ТАРЖИМАСИ ТАЛКИНИ	168
Махмудов А. Й. Г.Э. ЛЕССИНГНИНГ “ДОНИШМАНД НАТАН” ДРАМАСИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ТАЛКИНИ	170
Назирова У. Н., Муқимова Д. Ш., Муртозаев Э. Н. А. НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ НЕМИС МУТАРЖИМЛАРИ ТАЛКИНИДА	172
Шарафов Б. АРЖИМАДА НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ АЙРИМ ХАРАКТЕР ПСИХОЛОГИК ЭЪТИБОРЛИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР	174
Норқулова Ш. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИШГА ДОИР	176
Тураева Д.С., Расулов Н.А. КОРЕЙС ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДАГИ ЛИНГВОЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ	178
Турдиева О. З. ФОРС-ЎЗБЕК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИДА ТАРЖИМА АДАБИЁТИНИНГ ЎРНИ	180
Шерматова Г. ВЛИЯНИЕ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА СРЕДНЕВЕКОВУЮ ЛИТЕРАТУРУ ИНДОНЕЗИЙСКОГО АРХИПЕЛАГА	182
Жабборзола Д. ПЕРВОИСТОЧНИКИ РУССКИХ И АНГЛИЙСКИХ ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРОК	184
Қодирова Ф. Ш. АДАБИЁТ - МИЛАТНИ ЖАҲОНГА ТАНИТАДИ	188
Сидикова Н., Эсанова М. АМЕРИКА ЁЗУВЧИСИ Е. БРАССНИНГ “HENRY” ҲИКОЯСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАСИНИНГ ЁРИТИЛИШ ХОЛАТЛАРИ	189
Ғазилдинова С.Н. БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТИ ЙЎҚ СЎЗЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ (А. НАВОИЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” АСАРИ МИСОЛИДА)	192
Шамсиева Б. ТАРЖИМА МАТНИДА УЧ ТОМОНЛАМА МАДАНИЯТ ТРАНСФЕРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ	194

БАДИЙ ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТИ ЙЎҚ СЎЗЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ (А.НАВОЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” АСАРИ МИСОЛИДА)

Фазилдинова С.Н (СамДҶТИ магистранти)

In this article the methods of translating the untransferable words with the help of realias are explained by examples taken from “Saddi Iskandari” by A.Navoi.

В этой статье методы перевода непереводаемых слов с помощью реалий объясняются примерами взятыми из произведения “Садди Искандарий” Алишера Навои.

Бадий асарни таржима қилиш учун тилнинг луғат бойлиги, чунончи синоним ва омонимлар, касб-хунар терминлари, диалектал, эскирган-тарихий ва вульгар сўзлар, ҳамда сўзларнинг мусикийлигию, оҳангдорлигини, кўп маънолигини, тилнинг талаффуз нормаларини, муболага ва кичрайтириш хусусиятларини билиш зарур. Айниқса,буюк бобокалонларимиз асарларини бутун жаҳонга танитишда таржимон олдида катта маъсулият ётади.Таржимоннинг билими ўзи яшаб турган замон билан чекланмаслиги керак.Чунки тарихий асарлар луғат таркибидаги кўп сўзлар тарихий хусусиятга эга бўлиб, уларнинг кўпчилиги эскирган тарихий сўзлардир. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги мавжуд икки тилли луғатлар таркибида учрамайди. Уларни китобхонга етказиш учун таржимон албатта, аввало изохли луғатларга мурожаат этади. Эскирган ва тарихий сўзларни мазмунан яқин эквиваленти таржимасини бериш керак ёки ана шу сўзларнинг қайси тилга мансублигини аниқлаб, ўзбек тилидаги муқобилини топиб, ана ундан кейин бошқа тилга таржима қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий ” асарида учрайдиган сўзларнинг аксарияти араб ва форс тилларидан олинган сўзлар бўлиб, уларни фақат изохли луғатлар орқали маъносини тушуниш мумкин. Масалан,“*баргустивон*” сўзи форсча сўз бўлиб, “*уруш пайтида отларнинг устига ёпиладиган ўқ ўтмайдиган ёпқич*” деган маънони билдиради. Бу сўзни инглизчада “*mailed horse-cover*” деб таржима қилсак бўлади. “*Машшота*”сўзи эса арабча сўз бўлиб,“*хотин кишини безатувчи киши*” деган маънони беради. Бу сўзни эса,“*women’s stylist*” деб таржима қилиш мумкин. Аммо асарда шундай сўзлар учрайдики,уларнинг эквивалентлари инглиз тили луғатида учрамайди. Бундай эквивалентсиз лексикаларни таржима қилинаётган тилга реалиялар, транслитерация, трансформация ва изохли таржима орқали бериш мумкин. Қуйида “Садди Искандарий” асарини инглиз тилига таржима қилишда учрайдиган бир қанча эквивалентсиз сўзларни таржима қилишда қўлланиладиган баъзи усулларни мисоллар орқали кўриб чиқамиз.Улардан бири реалиялардир.

Реалиялар - бу бир тилда мавжуд бўлиб, иккинчи тил учун мутлақо янгилик бўлган предмет номлари. Бундай сўзлар таркибига бир миллатнинг маиший ва рухий дунёсига дахлдор бўлган сўзлар ва предметлар номлари киради[5,68-6]. “Реалия” кўпликда хақиқий,моддий нарсалар, фактларнинг ифодаланишидир. Маълумки, халқларнинг турмуш тарзи, тирикчилик шароитлари, урф-одат, расм-русм, ирим-сирим, удумларида жуда катта фарқлар борки, мавжуд луғатлардан уларнинг муқобилларини топиб бўлмайди, агар топилган тақдирда ҳам, улардан фойдаланиш қийин. негаки, бундай сўз асарда тасвирланган воқеага ўзгача миллий маъно беради.Буни эса,таржимачиликда реалиялар ва уларни таржима қилиш усулларига боғлиқ масала билан ифодалаш мумкин. Хос сўзлар муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса-ходисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади [3,58 б]. Болгар олимлари С.Влахов ҳамда С.Флоринлар реалия тушунчасига янада кенгрок ва батафсилрок тўхталиб қуйидагича таъриф берадилар:“Реалиялар маълум халқ ва миллат тилининг ўзидагина акс эттирадиган нарса ва предметлар номи,тушунчаси, шу халқнинг географик-худудий жихатига характерли бўлган,унинг маданий, маиший, ижтимоий-тарихий хусусиятларига хос бўлган сўз ёки ибораси,бир сўз билан айтганда, мазкур халқ вакилларининг миллий, худудий ёки тарихий колорити тушунилади.”[3-51 б]

“Садди Искандарий ” асаридаги реалияларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Маиший хизматга хос бўлган сўз ва тушунчалар:

а) озик-овкат;

хариса- harisa (a stew made with meat and wheat flour for a number of people in occasional days);

б) уй-жой, идиш-товок, жихозномлари;

карвонсарой –caravansaray(inn on the caravan route);

ҳарам –harem (special building for shah’s wives and children);

жом (Жамшиджоми)- magical cup of Jamshid;

в) кийим-кечак номлари:
 дўппи, дўппи- duppi (embroidered scull-cap worn by man as well as women);
 зарбафттўн -gold-brocaded robe;
 жубба – robe (outer clothing for common people);
 ялангтўн -robe (without any embroidered patterns and designs);
 дубулға -dubulgha (metal headdress);
 нимча -sleeveless jacket;
 хафтон -luxurious robe;
 ридо -religious garb

г) кийим-кечак қисмлари номлари:
 шоҳнар -long feather(birds' long feather which were fastened on the men's headdresses);
 д)киши фаолияти билан боғлиқ бўлган сўзлар:
 Шох, Подшоҳ –Shah,Padishah;
 Девонбеги -divanbegi (a man who is the chief of government office);
 е)диний хизматчилар ,атамалар вазирлари:
 Дарвеш – dervish (a man who lives lonely in wandering , doing good deeds to people);
 Кофир -non-Muslim;
 Хизр -Hizr(one of the legendary prophet's name who is said to be immortal);
 ё) ўлчов бирликлари:
 Кари -kari (measurer of linear,onekari is equal to one metre);
 Йиғоч -yigoch(measurer of linear,oneyigoch is equal to 12.000 metres);
 Газ –gaz (unit of measurement of linear, equals approximately 105 cm);
 Таноб – tanab(long string used for measuring the square, equals 63 metres);
 ж) бошқатурдаги нарсалар:
 Гўй – gouy (wooden ball);
 Чавгон – chavghan(a gouy- stick with its bent tip used for hitting the wooden ball);
 Ганч –ganch (high quality plaster made largely from alabaster, often used for surface of sculpture);
 Бадий таржимада муқобили йўқ сўзларни изоҳли таржима орқали билан ҳам бериш мумкин.
 “Садди Искандарий” асаридаги баъзи бир сўзлар, яъни “жиға” сўзини инглиз тилида бир сўз билан берилган эквиваленти йўқ.Шунинг учун, “*жуға*”-*medieval oval metal emblem on a man's headdress* деб изоҳли таржима орқали берилди. Куйида яна бир нечта мисоллар шулар жумласидандир:
 Саждаклиш-to bow one's head to pray in Islamic manner;
 Тавофклиш –to visit sacred places in Islamic manner;
 Пир-an old wise leader of sofists;

Юкорида келтирилган реалаяларнинг аксарият қисмини инглиз тилига ўгиришда асосан транслитерация ва унинг изоҳи усулидан фойдаланилди. Баъзиларини эса бир сўз билан эмас, сўз бирикмаси орқали эквивалентлари берилди. Демак , маълум бир сўзларнинг лексик бирикмаларнинг таржима тилида эквивалентларининг йўқлиги бу сўзларни таржима қилмасликка асос яратмайди. Биз уларни юкорида баъзи усулларини мисоллар билан кўриб, таҳлил қилдик. Таржимон Алишер Навоий тилини бошқа чет тилга таржима қилиши учун аввало, унинг ўзи Навоий тилидан хабардор бўлмоғи лозим. Ана шундагина аслиятдаги маънога путур етказмасдан уни бошқа тил вакилларига етказиб бера олиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Каюмов А. ва бошқ. Алишер Навоий Садди Искандарий (Насрий баёни билан) // Тошкент,Ф.Ғулом, 1991,832 б.
2. Мюллер Б.К. Англо-Русский словарь 53000 слов //Москва,1982
3. Исмоилова Н. Навоий бадий ижодини қайта яратиш // Магистрлик диссертацияси (“Лисон ут-тайр” мисолида) Наманган. 2011, 88-б4
4. Шамсиев П., Иброхимов С. Навоий асарлари лугати // Тошкент , Адабиёт ва санъат,1972
5. Сирожидинов, Ш. Одилова Г. Бадий таржима асослари // Тошкент, Мумтоз сўз, 2011
6. Бўтаев Ш., Ирискулов А. English-Uzbek,Uzbek-English dictionary 70000 words // Тошкент, 7. Бегматов Э. Ўзбек тилининг изоҳли лугати // Тошкент , Давлат илмий нашриёти, 2006